
МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА 48 НАФАР ФУҚАРОЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Марғилон шаҳрида ҳам иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларининг бандлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бугун шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази ва мутасадди корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигига шаҳардаги ишсиз фуқароларни, айниқса аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида "Наврӯз" кичик саноат зонасида бўш иш ўринлари "Меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди.

Унда шаҳардаги 62 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидаги мавжуд 417 та бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар.

Ярмарка давомида ишсиз фуқаролар "Наврӯз" кичик саноат зонасида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналаридағи мавжуд бўш иш ўринлари, ишчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирдилар.

Ярмарка якунида 48 нафар ишсиз аёллар ва ёшлар рўйхатга олиниб, уларга шаҳардаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

2023-09-11 17:29:51